

# ЖИСМОНИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ МИЛЛИЙ АНЬАНАЛАР ВОСИТАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕТОДИК ТАЪЛИМОТИ

**А. Т. Жумаев**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчisi

**Ф. А. Турдиев**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

## АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жисмоний таълим жараёнини миллий анъаналар воситасида ташкил этишнинг методик таълимотини ташкил қилинган.

**Таянч сузлар:** жисмоний таълим, анъана, жараён, восита, ривожланиш, шаклланиши.

## КИРИШ

Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий салоҳиятида жисмоний тарбия ва спорт ўзига хос мазмун, шакл, максад ва моҳиятга эга. Уларни ахолининг кундалик турмуш маданиятига сингдириш, ўкувчи ёшларнинг жисмоний баркамоллигини тарбиялаш, иктидорли ёшларни спортга жалб этиш, уларнинг маҳоратларини ошириш, спорт оркали мамлакатнинг шоншуҳратини жаҳонга кенг ёйиш каби кенг камровли ва кулами чукур тадбирларни ўтказиша жисмоний маданият хамда спорт мутахассисларининг иш фаолиятлари эътиборга лойикdir.

Жисмоний маданият ва спорт мутахассисларини тайёрлаш, уларнинг билимларини чукурлаштириш ва амалий малакалари хамда ижодкорлиги, ташаббускорлигини доимо ошириш хозирги давр муаммоларидан биридир.

Маълумки, юкори малакали мутахассислар тайёрлашда Узбекистон Давлат жисмоний тарбия института (УзДЖТИ), Университет ва педагогик институтлар таркибидаги жисмоний маданият факультетлари фаолият курсатмоқда. Урта маҳсус таълими буйича кадрлар тайёрлашда вилоятлар марказидаги олимпия захиралари коллежлари ва баъзи бир педагогик коллежларда хам самарали меҳнат қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги конуни (1997), Давлат таълим стандартлари асосида жисмоний маданият факультетларининг укув режаси янгидан тузилиб, уларда ихтисослик

буйича назарий фанлар ва амалий турлар (спорт турлари) мавжуддир. Уларнинг таркибида «Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Маънавият асослари» каби янги ўқув фанларининг киритилиши муҳим вожеликдир. Яъни жисмоний маданият ва спорт соҳасида талабаларга ўз ихтисосликларини эгаллашда миллий кадриятлар ва уларнинг мазмунидаги миллий анъаналар ҳақида билим олишга имкониятлар яратилди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Узбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тугрисида»ги карори (1999, 27 май) укув юртларда жисмоний таълим сифатини яхшилаш, спорт машғулотларини талаб даражасида ўтказиш, ўкувчи ёшлар ва талабаларнинг севимли спорт турлари буйича хилма-хил спорт мусобакаларини купрок ташкил этиш лозимлиги курсатилган. Бунинг учун жисмоний тарбия ўқитувчилари спорт турлари бўйича мураббийлар ва оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия-спорт тадбирлари учун ташкилотчи- методистлар тайёрлашни яхши йулга куйиш лозимлиги алоҳида ўқтирилган.

Бундай талабларни амалда бошқариш масалалари ишлаб чиқариш меҳнат жамоалари, турли муассасалар, ахоли истиқомат жойлари, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш оромгоҳлари маконларининг ижтимоий меҳнат шароитлари, ижтимоий меҳнат таъминотлари билан боғлиқлигини эътиборга олиш лозим. Яъни уларда оммавий соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт гадбирларини ташкил қилувчи ташкилотчи-мураббийларга бўлган эҳтиёжлар, заруриятлар асосида штатларни белгилаш, зарур булган спорт ташкилотлари ёки олий ва урта маҳсус ўқув юртларига буюртмалар беришни йулга куйиш лозим бўлади. Бундай жараён йулга куйилса, маълум соҳаларда ташкилотчиларнинг купайиши, уларнинг иш фаолиятларида миллий анъаналарни кенг ёйиш, улардан максадли фойдаланиш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат таълим стандартлари (1999) хамда «Соғлом авлод Давлат дастури»да ўқув юртларда жисмоний таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, ўқувчи ёшлар ва талабаларни оммавий равишда спорт тадбирларига жалб этиш муҳим вазифа килиб куйилган. Шу асосда олий таълим тизими (1999) ва академик лицей, касб-хунар коллежлари ва урта маҳсус укув юртлари учун «Жисмоний тарбия»

дастури (2001) ишлаб чиқилиб, улар амалда қўлланилмоқда. 2000 йил 1 мартдан бошлаб «Алпомиш» ва «Барчиной» маҳсус тестлари жорий этилди. Уларнинг мазмун, шакл ва мақсадлари ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш, меҳнат ва мудофаа ишларига лаёқатли қилиб етиштиришга каратилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар, маданият, тиббиёт, таълим ва спорт соҳаларидағи оммавий тадбирларнинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни касб-хунар йулида тахсил олаётган ёшларнинг хар томонлама етук бўлиши, давр талабаларига тула жавоб бериши, бунда меҳнат килиш, Ватанга садоқат хис-туйғулари ва эътиқодлари билан боғлиқ бўлган барча фазилатларга эга бўлишни такозо этмоқда. Буларни таъкидлашдан максад шуки, юқоридаги «Жисмоний тарбия» дастурларида миллий кадриятларни жисмоний тарбия дарсларида ўрганиш айниқса, миллий анъаналарда жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва ҳалқ миллий ўйинларидан фойдаланиш йўллари хақида тўла маълумотлар йўқ. Бу эса ўқувчи ёшларнинг миллий анъаналар хақидаги тушунчалари, бунда жисмоний тарбиянинг моҳиятини билишга салбий таъсир курсатмоқда. Яна бир томони шундаки, аксарият жисмоний тарбия ўқитувчилари дастурдан чиқа олмайди, ижодий ёндашиш, амалий ташабbusлар кам учрайди. Бундай салбий хусусиятлар талабаларнинг ўқув амалиётлари (педагогик ва ташкилий) жараённида айнан намоён бўлмоқда. Маълумки, жисмоний таълим жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари бор. «Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият» факультетларининг ўқув режаси тахлил килинганда 2 йуналиш маълум булмоқда:

1. Талабаларнинг танланган спорт тури мутахассислиги бўйича тайёргарлик ва маҳорат ошириш машғулотлари. Бу жараён Республикадаги барча факультетлар ва УзДЖТИда умумий хусусиятга эга бўлган шакл, мазмун ва методика олиб боради.

2. Факультетдаги профессор-ўқитувчиларнинг салоҳиятлари, уларни қизиқтирган маҳсус фанлар (ихтисосликка кириш, илмий тадқиқотлар методикаси, миллий кадриятлар ва жисмоний тарбия ва х.к.) бўйича курслар ташкил этилган. Бу жараёнлар талабаларда у ёки бу даражада ихтисослашган тушунча ва билимларни эгаллашга ижобий таъсир курсатмоқда. Лекин бу холат барча олий ўқув юртларида яхши йулга куйилган, уларнинг сифати юкори даражада, деб булмайди. Бунинг

хам баъзи бир объектив ва субъектов сабаблари бор. Булар: 1) жисмоний тарбия ва миллий анъаналарнинг ижтимоий-тарбиявий хусусиятларини мужассамлаштирувчи укув-услубий кулланма ва тавсияномалар мукаммап равишда ишлаб чикилмаган; 2) спорт турлари буйича назарий тушунчалар ва амапий-касбий билимларни чукурлаштиришда фаолият курсатаётган укитувчиларда анъаналар хакидаги билимлар анча саёз; 3) реферат, курслар ва битирув (диплом) ишларида маънавий ва жисмоний камолот мавзулари уларнинг ўзора узвий боғлиқликлари муфассал ёритилмаган; 4) магистрлар, аспирантлар ва мустақил илмий изланувчилар томонидан жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари хамда хозирги давр талаблари асосида миллий анъаналарда мақсадли фойдаланиш усуллари, амалий ишларга доир маҳсус тадқиқотлар олиб борилмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Узбекистан болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги карорида (30.10.02) энг аввало, умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия ишларини яхшилаш, уларга зарур булган шартшароитлар яратиб бериш белгиланган. Шу асосда ққтидорли болаларни танлаш, тажриба-синовдан ўtkазиш ва уларни спорт мактабларига сафарбар килиш алоҳида таъкидланган. Бундай ташкилий, амалий ва тарбиявий шароитларда миллий анъаналарда кулланилаётган спорт чиқишлиари, оммавий намойишлар мухим ахамият касб этиши мумкин. Шу сабабдан жисмоний маданият факультетларининг барча босқичларидағи талабаларга болалар спорти ва миллий анъаналарнинг бир- бирига тарбиявий, ташкилий жихатдан мутаносиблик усулларини ўргатиш лозим бўлади. Бундай ижтимоий-тарбиявий таълимотлар ва амалий фаолиятларни барча назарий ва амалий (спорт) дарслар хамда спорт машғулотлари жараённида ўргатиш лозим.

Ўкув режадаги спорт тури (гимнастика, енгил атлетика, сузиш, кураш, ихтисослик ва х.к.) буйича ўтказиладиган дарслар ва спорт машгулотларида узларига тегишли булган «Алпомиши» ва «Барчиной» маҳсус тестлари синов меъёрий талабларни ўргатишда миллий кадриятлар мазмунида ифода этилган анъанавий удумлар, урф-одатларни эслатиш, аждодларимиз хаётида рамзий маънода давом этиб келган. Аммо «Алпомиши» достони ва бошка бадиий асарлар, тарихий, маданий ва археологик манбалар хакида тегишли маълумотларни талабаларга чукур

сингдириш мақсадга мувофик. Хар бир соҳадаги каби жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда етарли даражада назарий билим ва амалий кўнижмалар хосил қилдириш энг асосий фаолиятлардан биридир.

Демак, юкоридагилардан келиб чикиб республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмунида жисмоний таълим, спорт, саёхатлар ва халқ миллий ўйинларининг миллий хусусиятлари хамда уларнинг ижтимоий-тарбиявий жараёнларига катта эътибор берилиши лозим. Жумладан, мамлакат микёсида утказилаётган нуфузли оммавий спорт мусобакалари, маданий-спорт тадбирларининг очилиши ва якунларида намойиш этилаётган спорт чикишлари, кўргазмали намойишлар, тарғибот йўналишларидан туман (шахар) на бошланғич ташкилотларда намуна сифатида фойдаланиш яхши йулга кўйилиши керак. Энг асосийси жисмоний таълим ўқитувчилари фақат машғулот ўтказиш, спорт турлари буйича мураббийлар эса фақат мураббийлик фаолияти билан шуғулланиб қолмасдан, ўқувчи ва талабаларни спорт билан банд булиш жараёнини хамкорликда ташкиллаштириш ишлари амала оширилса, максадга мувофик бўлари.

**Хулоса:** Жисмоний таълим жараёнини миллий анъаналар воситасида ташкил этишнинг методик таълимотини ташкил қилинган. Энг асосийси жисмоний таълим ўқитувчилари фақат машғулот ўтказиш, спорт турлари буйича мураббийлар эса фақат мураббийлик фаолияти билан шуғулланиб қолмасдан, ўқувчи ва талабаларни спорт билан банд бўлиши кўзга тутилган.

## REFERENCES

- 1.Жумаев А.Т Ф.А.Турдиев. Ёшлар-Ўсмирларга мувофик тавсия этиладиган жисмоний маданият турлари. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириу Илмий методик журнал 3-сон 2021 йил 130-133
- 2.Жуаев А.Т методика специальной физической подготовки студента по волейболу в соревновательном периоде методом кластера Халқ таълими Илмий методик журнал 5-сон 2021 йил 131-134
- 3.Жумаев А.Т Янги даврда спортнинг ижтимоиллаштирувчи мавқеи. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириу Илмий методик журнал 1-сон 2020 йил 159-163
- 4.Жумаев А.Т, Маматкулов Р.С, Султанов А.И, Юсупбаева А.С Основы государственной политики Республики Узбекистан в области развития

физической культуры и спорта International journal of consensus № 3 2020 йил 61-67

5. Mamatqulov R.S Jumayev A.T Juraboyev A.B Qurbonova M.E Features and application of the cluster method of its organizations in lessons in secondary school and higher pedagogical institutions. International jornal on Integrated Education 2020 90-94

6.Jumayev A.T Yusupbayeva A.S Диакностика Фктуального уровня сформированности готовности будущих педагогов кнаучно-исследовательской деятельности.london grand Britain march 11-12 2020 95-97

7.Jumayev A.T Mamatqulov R.S Sultonov A I Yusupbayeva A.S Basis of staty policy of therepublic of Uzbekistan in the field of development of physical culture and sports.KONSENSUS XALQORA JURNAL 2020 60-67

8.Жумаев А.Т Талабаларнинг саломатлик компетентлигини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Муғаллим ҳем узликсиз билимлендириу Илмий методик журнал.№4 2018 йил 151-153 бетлар.

9. Jumaev Adilkhakim<sup>2</sup> , Mamatkulov Ravshanjon<sup>3</sup> , Sultanov Alisher<sup>4</sup> , Yusupbaeva Amangul<sup>5</sup> , Umaralieva Dilfuzab<sup>6</sup> , Atabekov Fozil GENDER EQUALITY IN SPORT: STAGES OF WOMEN'S SPORT DEVELOPMENT IN UZBEKISTAN.Palarch's journal of Archaeology of Egypt/Egyptology 2021 1733-1747

10. М.У.Ишонқулов, Жумаев Абдилхаким Турдиевич ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР 2-МАХСУС СОН.2020йил 584-588 бетлар.

11. MAMATKULOV R.S Umaralieva D.U JUMAEV.A.T. EDUCATION OF THE PHYSICAL QUALITY OF STUDENTS IN PEDAGOGICAL UNIVERSITIES BY MEANS OF THE CLUSTER METHOD WITH THE HELP OF THE BADMINTON GAMENOVATEUR PUBLICATIONS JournalNX- A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal 2021 156-159

12. Yusupbayeva A.S Maktabgacha yoshdagi bolalarning jismoniy rivojlanishida harakatli o'yinlarni tashkil etish usullari Халқ таълими Илмий методик журнал 5-сон 2021 йил